

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигинининг 2013 йил 29 октябрдаги 394-сонли буйруғи асосида
Бухоро давлат университети расмий веб саҳифасида ташкил этиладиган
интерактив хизматлар паспортлари**

Бухоро давлат университети расмий веб саҳифаси <http://www.buxdu.uz> да
кўйиладиган
“ОТМ электрон кутубхонаси” интерактив хизматининг паспорти

1.	Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса номи	Бухоро давлат университети
2.	Интерактив хизмат номи	БДУ электрон кутубхонаси
3.	Интерактив хизмат натижалари тавсифи	Бу интерактив хизмат орқали фойдаланувчи куйидаги маълумотларни олиши мумкин: 1.Мавжуд электрон ресурсларнинг библиографик ёзувлари билан танишиш. 2.Мавжуд ва рухсат берилган электрон ресурсларни кўчириб олиш
4.	Интерактив хизматдан фойдаланувчилар	Жисмоний ва юридик шахслар
5.	Интерактив хизмат фойдаланувчисининг қоғоз кўринишдаги мурожаати	Талаб қилинмайди
6.	Интерактив хизматни кўрсатиш нархлари (хужжатни тайёрлаш ва тақдим этиш), агарда хужжат пулли тарзда тақдим этилса	Бепул
7.	Интерактив хизматни кўрсатиш муддати	Мавжуд электрон ресурсларнинг ҳажми ва турига қараб белгиланади.
8.	Интерактив хизматни тақдим этишда рад этиш учун асос, амалдаги қонунчиликка ҳавола қилинган ҳолда (мукаммал рўйхат)	Интерактив хизматни тақдим этишни рад этишга интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётганлиги асос бўлиши мумкин.
9.	Интерактив хизматни тақдим этувчи муассаса жойлашган манзили	Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси 11 уй
10.	Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса иш тартиби, давлат хизматини кўрсатувчи муассасага мурожаат қилиш тартиби	Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю кундуз фойдаланиш мумкин.
11.	Интерактив хизматни кўрсатишда, талаб ошиб кетса ва навбатсиз тақдим этиш имкониятидан ташқари ҳолларда давлат хизматини кўрсатишнинг кетма-кетлиги	Интерактив хизмат кўрсатилаётганда, уни амалга оширувчи серверда ҳар бир сўров учун алоҳида сессия яратилади. Сўров бўйича маълумотлар веб саҳифага чиқарилгач, жорий сессия яқунланади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида сервер имконияти даражасида бир нечта сессия ҳам очилиши мумкин. Натижада интерактив хизматни кўрсатиш вақти бўйича регламентдан ошмаган муддатда фойдаланувчига хизмат кўрсатилади.
12.	Интерактив хизматни олиш учун мурожаат жараёнида давлат хизмати фойдаланувчисини ахборот билан таъминлаш	Давлат хизматидан фойдаланиш йўриқномаси ва ёрдам тизими БДУ веб-сайтига жойлаштирилади.
13.	Интерактив хизмат кўрсатилишини бевосита таъминловчи мансабдор шахс	Бухоро давлат университети АРМ раҳбари
14.	Қариялар ва ногиронларга интерактив хизматни кўрсатиш тартиби	Алоҳида тартиб кўзда тутилмаган
15.	Интерактив хизмат кўрсатиш регламентига амал қилинмаганлиги тўғрисидаги шикоятларни киритиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартиби	Интерактив хизмат бўйича шикоятлар БДУ нинг “Электрон қабулхона” интерактив хизмати орқали киритилади. Шу билан бирга Бухоро давлат университети раҳбарига ёзма

		муружаат қилиниши ҳам мумкин.
16.	Юкорида турувчи мансабдор шахс томонидан интерактив хизматни кўрсатилишини назорат қилиш тартиби	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига берилган ушбу интерактив хизмат бўйича муружаатлар ва олинган натижалар статистикаси ҳақида маълумот берувчи веб-сервис яратиб берилади. Веб-сервис орқали интерактив хизматни назорат қилувчи мансабдор шахс томонидан статистик маълумотларни олишга рухсат берилади.
17.	Интерактив хизматни кўрсатиш механизми	Интерактив хизмат Бухоро давлат университети АРМ ходимлари томонидан ташкиллаштирилади, Масъул ходимлар томонидан қуйидаги маълумотларни базага киритадилар: 1.Мавжуд электрон ресурсларнинг библиографик ёзувлари; 2.Мавжуд электрон ресурс. Электрон ресурс бўйича маълумотларни киритиш механизми Бухоро давлат университети илмий кенгаши томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширилади. Интерактив хизмат маълумотлар базаси техник таъминотини юритиш Бухоро давлат университети АТМ томонидан амалга оширилади.
18.	Интерактив хизматдан фойдаланиш механизми	Интерактив хизмат сўров-жавоб усулида амалга оширилади.

Ректор



З.А. Таджиходжаев